

**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй.**

2024 йил 10-сентябрь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188 дона

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2024 йил 15-августдаги 01-12/42 - сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 16-августдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2024 йил 10- сентябрда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 04-сентябрь.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 256 736 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан Тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Хақимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. А.Исломов – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. М.Қаюмов – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Н.Гулямов – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М.Қаюмов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш катнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2024 йил 04-сентябрь ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 886 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 004 780 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 81,36 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ў.Қиличов-жамиятнинг Бош директори;

У.Маматалиев – жамиятнинг Бош бухгалтери;

Йиғилишда раислик қилувчи М.Қаюмов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Шеробод туман хокимининг 2024 йил 12-августдаги 01-04/8248-сонли хатини кўриб чиқиш.

3. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва пахта қабул қилиш масканларини 2024 йил пахта хосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш учун Сурхондарё вилоят хокимлиги томонидан кўрсатилган кластер корхонасига ижарага бериш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Қаюмов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

М.Қаюмов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 16-августдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига “Шеробод пахта тозалаш” АЖ Бош бухгалтери – Маматалиев Умар Нуриддинович, Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – Зубаев Улугбек Мухамадиевич, жамиятнинг материал харажат ва иш хаки бўйича мутахассиси – Юлдошев Ориф Сахатмуродовичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 2 004 780 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Маматалиев Умар Нуриддинович;

2) Зубаев Улугбек Мухамадиевич;

3) Юлдошев Ориф Сахатмуродович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори Ў.Қиличов сўзга чиқиб, Шеробод туман Хоқимининг 2024 йил 12-августдаги 01-04/8248-сонли

хати билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди (*Шеробод туман хокимининг хати илова қилинади*).

Мурожаатда, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ балансида бўлган, 2012 йилда Шеробод тумани, “Навбур” маҳалласи ҳудудида жойлашган истирохат боғи ичида, яъни туман хокимлигига қаршли ер майдонида (сендвич панель)дан қурилган пиллахона биноси пахта тозалаш корхонаси томонидан “Е-аукцион” савдо майдончасига чиқарилган бўлиб, 2 йилдан ортиқроқ муддат ўтишига қарамай сотилмасдан турганлиги ҳақида маълум қилинган. Бундан ташқари, Шеробод тумани 2024-2030 йилларда иқтисодий ривожлантириш, аҳолини тадбиркорлик ишларига кенг жалб қилиш, кичик саноат зоналари кўламини кенгайтириш, келгусида ушбу бинодан самарали фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида, пиллахона биносини туман хокимлиги балансига беғараз ўтказиб беришда амалий ёрдам берилишини сўралган.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Қаюмов акциядорлардан Шеробод туман хокимининг 2024 йил 12-августдаги 01-04/8248-сонли хати бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 904 040 та овоз, “Қаршилар” – 100 740 та овоз, “Бетарафлар” – йўқ, “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Шеробод туман хокимининг 2024 йил 12-августдаги 01-04/8248-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шеробод тумани, “Навбур” маҳалласи ҳудудида жойлашган истирохат боғи ичида, (сендвич панель)дан қурилган пиллахона биносини туман хокимлиги балансига беғараз ўтказиб берилсин.

3. Пиллахона биноси туман хокимлиги балансига тўлиқ ўтказилсин ва тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилиб жамиятнинг бухгалтерия хужжатларига тегишли ўзгартириш киритилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Қаюмов сўзни жамиятнинг Бош директори Ў.Қиличовга берди.

Ў.Қиличев йиғилиш иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25-июлдаги “Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 452/32-сонли ХДФУ қарори қабул қилинганлиги ва ушбу қарорнинг 1-илоvasи 17-бандида “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва пахта қабул қилиш масканларини тегишли қарор асосида сотиб олган “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ кластер корхонаси пахта тўқимачилик кластерлари реестридан чиқариш белгиланганлиги бундан ташқари Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 декабрдаги хал қилув қарорига асосан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ уртасида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб топилганлигини маълум қилди. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2024 йилдаги 452/32-сонли ХДФУ қарори ва Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 декабрдаги хал қилув қарори илова қилинади*).

Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилоятида 2024 йил пахта хосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш учун Сурхондарё вилоят хокимлиги томонидан тақлиф этилган “QUMTEX INVEST” МЧЖ кластер корхонасига “Шеробод пахта

тозалаш” АЖ ва унга тегишли пахта қабул қилиш масканларини ижарага бериш масаласини кўриб чиқиш сўралган.

Бундан ташқари, “QUMTEX INVEST” МЧЖ “Шеробод пахта тозалаш” АЖга 2024 йилнинг 21-август куни 21-08/24-сонли хат билан мурожаат этиб, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, “Завод қоши”, “Бўстон” ва “Дўстлик” пахта қабул қилиш масканларини ижара шартномаси асосида ижарага беришни сўраган (“QUMTEX INVEST” МЧЖнинг 21.08.2024 йилдаги 21-08/24-сонли хати илова қилинади).

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ў.Қиличов 2024 йил пахта хосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш учун Сурхондарё вилоят ҳокимлиғи томонидан таклиф этилган “QUMTEX INVEST” МЧЖга “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, “Завод қоши”, “Бўстон” ва “Дўстлик” пахта қабул қилиш масканларини ижара беришни таклиф этди.

Йиғилиш раиси М.Қаюмов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 904 040 та овоз, “Қаршилар” – 100 740 та овоз, “Бетарафлар” – йўқ, “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25-июлдаги “Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида”ги 452/32-сонли ХДФУ қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “QUMTEX INVEST” МЧЖнинг 2024 йил 21-августдаги 21-08/24-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, “Завод қоши”, “Бўстон” ва “Дўстлик” пахта қабул қилиш масканлари қонунчиликда белгиланган тартибда “QUMTEX INVEST” МЧЖга ижарага берилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

М.Қаюмов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2024 йил 10 сентябрь куни икки нусхада тузилди.